

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИИЛ ЧИКИШИ
№ 104 (1624)
25
МАЙ
ЧОРШАНБА
1960 ИИЛ
БАХОСИ
20 ТИНИН.

Жанубий Мирзачўл канали қурилишида

ЯНГИЕР, 24 май. (ЎзТАГ). Мирзачўлдаги энг катта сув магистрала—Жанубий Мирзачўл канали қурилишида асосий бошқариш пункти — каналга сув етказиб берадиган темир бетон тўғон мuddатдан илгари барпо этилди. Тўғон секундига 300 кубометр сув ўтказа олади. Каналда учта тўғон иншооти ва учта гидротриксаво...

Коммунистик меҳнат бригадаларидан—цех ва корхоналарга!

Улуғ Советлар йўлининг ҳаёти юракларни тўқилангирувчи ангилликларга нақадар бой. Ҳали ақиндагина ўша азиз ва юракка ақин жонанжон Москвада, Катта Кремль Саройида Совет парламенти — СССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўзининг тарихий ишлари ақунлади. Мамлакатимиз ҳокимиятининг энг олий ва мухтабар бу органи меҳнат-кашларнинг бахт-саодатини кўлаб, жуда муҳим қарорлар қабул қилди. Катта сийсий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган сессия қарорлари меҳнаткашлардан олинган соҳиларни бекор қилиш ва шу йилнинг ўзидаёқ ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига ўтказишни тамомлашни кўзда тутди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг дунёдаги ҳамма капиталлар орасида энг қимматлиси бўлган инсон тўғрисида оталарча қилаётган бу гамхўрликларига жавобан совет кишиларига улғувор етти йиллик планларини мuddатдан илгари бажариш учун қудратли социалистик мусобақа байрогини тагин ҳам баланд кўтармоқдалар. Партия халқни, халқ эса партияни демакда. Партия планлари—халқ оруз-истакларининг ифодаси, муҳассами дамидир.

Улуғ байрам — 1 Май арафасида В. И. Ленин номи Тошкент радиолампа заводининг коллективи аjoyиб янги ватанпарварлик ҳаракати билан чиққан эди. Радиолампасозлар Ленин меҳнат вахтасини етти йилликнинг иккинчи йили охиригача давом эттириш, москвалик илгор корхона коллективларидан ўрнак олиб, коммунистик меҳнат бригадалари ва потокларидан коммунистик меҳнат цехлари ва сменаларига ўтишга қарор қилдилар. Ташаббускорлар республикамиздаги барча санаот корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари коллективларини ўзларидан ўрнак олишга қақирдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу илгор корхона коллективининг ватанпарварлик ҳаракатига катта баҳо бериб, уни қувватлаб махсус қарор қабул қилди ва маҳаллий партия, совет, касаба союз, жомсомол ва хўжалик ташкилотлари зиммасига ҳамма ерда радиолампасозлар ташаббусини кенг ёйиш вазиасини қўлади.

Халқимизнинг аjoyиб анъанаси бор. Бирор кимса ёки бирор коллектив иртим янада бой бўлсин, Ватаним шухрати тагин ҳам ошин, халқим ҳаёти янада гўзал бўлсин деб ҳайрай ишга қўл урса, унинг кетидан минглаб, миллионлаб издошлар ҳиммат камари ойналади. Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Тошкентлик радиолампасозларнинг мурожатига республикамизнинг, шу жумладан областимизнинг қатор-қатор коллективлари ақдиллик билан даъбай деб жавоб бермоқдалар. Олмалидаги кўрошпирок комбинати, Оҳангарон цементчилари, Тошкент тўқимачиларининг зардорлари, Янгийўл гўшт комбинатининг ишчи ва хизматчилари шулар жумласидандир. Янгийўл гўшт комбинатининг коллективи Ленин вахтасини йил охиригача давом эттириш, 1960 йил топиригини Улуғ Октябрнинг 43 йилгига кунгача бажариш, энг муҳими эса коммунистик меҳнат бригадаларидан коммунистик меҳнат корхонаси деган гоят шарафли номни олиш учун кураш бошлади.

Беш ойлик план мuddатидан олдин бажарилди

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш учун курашга бел боғлаган областимиз ва пойтхатимиз санаот корхоналари коллективи ялли махсулот ишлаб чиқариш беш ойлик планини мuddатидан олдин 23 майда бажардилар. Ой охиригача пландан ташқари яна бирнеча ўн миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқарилади.

Область санаот корхоналарининг коллективлари В. И. Ленин номидаги радиолампа заводининг ташаббусига кўшилиб Ленин меҳнат вахтасини йилнинг охиригача давом эттиришга қарор қилдилар.

ЎзКП МК ПЛЕНУМИДА ХИСОБ БЕРАМИЗ

Юқори ҳосилли бригада даласида

Ўртоқ Тилов Абдалиев 1-«Бойвут» совхозининг доғдор бригадаларидан бири. Бригада ишчилари бир неча йилдан бери пахта ҳосилини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бригада ўтган йил миравчўлик машхўр пахтакор Ганишер Юнусов бригадаси билан беллади. Мусобақа натижаси гектардан 45 центнердан «оқ олтин» етиштириш билан ақунлади.

Бригада ишчиларининг бу йилги мажбурияти ҳам улкан. 210 гектар ерининг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил етиштириш асосий вазифа қилиб белгирилди.

Бригада даласида бўлган киши мўл ҳосил учун кураш амалий иш билан мустақамланаётганини кўради. Экин 8-иш кунда тугаллади ва чигит ерининг ўз намға ундириб олди. Бригадада гўза парварлиги бир-бирига боғлаб олиб беришмоқда. Вақтида агана қилинган гўзалар туркираб ўсапти. Ҳар гектарда белгиланган миқдорда кўчат бўлишига алоҳида эътибор берилган. Ҳар бир уяда 3 тадан соғлом гўза қодирланганига ягаванинг сифати ўтказилганлигини дарак беради.

Бригада иштиридаги 4 та универсал бетиним ишламоқда, икки томонлама юриб, гўзанинг тагини юмшатишмоқда. И. Камолдов, А. Абдуғафоров ўртоқлар бошқараётган тракторлар айниқса унумли ва сифатли ишлапти. Социалистик мусобақа туйғили кунлик топириқ ошириб бажаришмоқда. Ж. Суяров, К. Саъатов, Х. Алиқуллова, Ҳ. Тиллаева ўртоқлар гўза парварлишида бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишлаб-тирлар.

У. МИНГБОЕВ.

Австрия парламент делегацияси шарафига зиёфат

23 май кечқурун Ўзбекистон Олий Советининг Раиси Р. Ҳ. Ҳудобоев Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Австрия Миллий кенгашининг президенти Леопольд Фиғль жаноблари бошқариб Австрия парламент группаси делегацияси шарафига зиёфат бериб.

Р. Ҳ. Ҳудобоев ва Австрия парламент делегациясининг бошлиғи Фиғль жаноблари нутқ сўзладилар. Зиёфат самимий ва дўстона вазиатда ўтди. Меҳмонларга асаллик учта совғалар тақдим қилинди. (ЎзТАГ).

Австрия парламенти аъзолари Тошкентдан жўнаб кетди

СССР парламент группасининг тақдифига мувофиқ, Совет Иттифоқидан меҳмон бўлиб турган Австрия Миллий кенгашининг президенти Леопольд Фиғль жаноблари бошқариб Австрия парламент группасининг делегацияси 24 май арталлаб Ўзбекистон пойтхатидан Бокуга жўнаб кетди. Делегациянинг Совет Иттифоқи бўйлаб сафарига ҳамроҳ бўлиб юрган СССР Олий Советининг депутаты И. Т. Борисов меҳмонлар билан бирга Тошкентдан жўнаб кетди.

Тошкент аэродромда Австрия парламенти аъзоларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри С. О. Азимов, республика Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Ҳ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари, республика Олий Совети Президиуми ва Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, жамоат ва матбуот вакиллари узатиб қўйдилар.

С. О. Азимов меҳмонларга сўхат-саломатлик ва Совет Иттифоқи бўйлаб кўнглили сўхат тилди. Фиғль жаноблари ахши ниятлар учун ташаккур айтиб ва ўзбек халқига самимий табрик топиришини сўради, унга бахт-саодат, равақ ва тараққиёт тилди. (ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

ҚИЗГИН ДАМЛАР

Катта йўлнинг икки четидан кенг пахтазорлар бошланади. «Оқ олтин» далалари узоқ-узоқлардаги адрларга тутайиб кетган. Илхит карталардаги барра кўчатлар баҳор ёмғиридан баҳра олиб, туркираб турибди. Ҳар бир қўл, ҳар бир кўз мураккаб гўза кўчатларида.

Адр эътидаги уйбўрчак катта ерда «универсал» ишламоқда. Механизатор Алмат Бойиров ўз машинаси жуда аҳтиёлик билан эгат ораларидан юргизиб бормоқда. Бригада бошлиғи Абдували Каримов ҳам шу ерда. У, машина кетидан юриб, култивация сифатини текширмоқда. Бригадир, шунингдек универсални ҳам жуда сержаниш кўринади. Нариги картадаги колхозчилар ҳам гайратда минишган.

Эгат оралаган киши бригаданинг ташвишини дарҳол пайқаб олади. Кейинги кунларда сурункасига ёғиб турган ёмғирдан кейин пахтазорларнинг ҳолати ўзгариб қолди. Еввойи ўтлар кўпайиб, гўза кўчатларини қисиб қўйди. Бунинг устига айрим карталарда қатқалоқ бошлаиб, кўчатларнинг илдиз чирши хавфи туғилди. Шундай долзарб пайларда ҳаммаёни далада бўлиши, ҳамжиҳатлик билан ишлаб аҳволни яхшилаб олиши талаб этиларди.

Бригада бошлиғи Каримов, ҳисобчи Маҳмуд Умарқов ўртоқлар карталарини кўздан кечириб, ўттиз гектардан ортиқ ерда қатқалоқ бошланганлигини, 18 гектар ердаги гўза кўчатларини ўт бошланганлигини аниқлашди. Колхоз раиси Хусанбой Холбеков, агроном Акмал Насриддинов ўртоқлар ҳам Каримов бригадасида юз берган аҳволни яхшилаш учун шотилинч тадбирлар белгилашди. Бригададаги икки универсалнинг нормал ишлаши таъминланди. Қатқалоқ бошланган ерларда дарҳол култивация ўтказилди. Еввойи ўтларни йўқотиш ва ерларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш учун бригаданинг ҳамма аъзоси сафарбар қилинди. Ишга чиқиб, илдан қайтиш ва ҳар бир кишининг меҳнат унумини ҳисобга олиб бориш устидан қаттиқ контроль ўрнатилди. Бу тадбирлар гўза парварлишни кучайтиришда катта ёрдам берди. Натижада бригадада қарашли 88 гектар ерининг ҳаммасида гўза кўчатларининг нормал ўсишига қўлай имкониятлар яратилди.

Мана, бутун бригада гўзанинг биринчи парварлишини тамомлаб, иккинчи парварлишни бошлаб юборишди. Бригада аъзолари гўза кўчатларининг тез ривожланишида маҳаллий ва минерал ўғитнинг ҳосиятига катта аҳамият бермоқдалар. Ҳозиргача ҳар гектар ерда 100—110 килограмдан азот ва 250 килограмдан суперфосфат берилиб, озиқлантирилди.

— Шу йилнинг ўзида бир миллион нарам, 2 миллион помидор кўчати тайёрлаб, бригадада тарқатдик. — Камолдидин ана роса етилган бир дона помидорни авайлаб узуб олгач, сўзида давом этди. — Бу кўчатларни воёга етказиб, кўнглидагидек ҳосил тўплаганимиздан кейин хўжалигимиз бўйича қанчадан-қанча нарам ва помидор етиштиришимизни бир ўйлаб кўринг.

Камолдидин ана сабзавотчиликнинг хўжаликчи мўл даромад келтираётганини ҳақида қувониб сўзлади. — Утган йил 9 миллион сўмга яқин даромад қилган эдик. Бу йил камида 10 миллионни мўлжаллаб турибмиз. Парниклардан шу кунгача 3 минг килограмдан ортиқроқ помидор сотдик.

7 комбинатдан бирини, айниқса, ўзгача завқ-шаўқ билан тамоша қилдик. Бу ерда 1100 тул помидор устириляпти. Кўчатлар бир текисда чиройли қилиб тараб кўнйилган. Ҳар бири кичикроқ чойнадек келадиган помидорларнинг қизиллиги қўзғи қамаштиради. Уларни Камолдидин ақанинг шогирдлари Назира Акрамова билан Муҳаррам Дадабоевалар авайлаб ўзишиб, челақларга жойлашмоқда.

— Нева челақ бўлди, қизилларим? — сўради Камолдидин ака. — Олти челақ холос. — камтарлик билан жавоб берди шогирдлар. Битта комбинатдан, атиги бир неча минут илди олти челақ помидор! Бу ҳазил гап эмас. Минутлар сайин комбинатлардан шунчадан ҳосил чиқиб тураверса, колхоз учун миллионлаб фойда келиши турган гап. Шунинг учун ҳам сабзавотчилар комбинатлардаги экинларни жуда авайлаб парвартиришди.

ЖҲУХОРИКОР ЛИ ЛЮБОВЬ ИЗИДАН

Бригаданинг Уғидой Пулатова, Хамид Рихсиев, Турғуной Аҳмедова, Мукамбар Маназарова каби пешвода аъзолари гўза парварлишида намуна кўрсатиб, қундалик нормаларини 1,5-2 баравар ошириб адо этмоқдалар. Механизаторлар ҳам қундалик култивация ва озиқлантириш топириқларини ҳар доим ошириб бажариб келмоқдалар. Меҳнат унумининг оширилиши гўза кўчатларининг тез ривожланишини таъминламоқда.

Биз колхознинг ўртоқ Абдували Каримов бошқариб 1-бригадасининг иши ҳақида гапирдик. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам гўза парварлиши комплекс равишда олиб борилиб, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Колхоз далаларида 18 «универсал» мунтазам ишлаб турибди. 9 пахтачилик бригадасининг ҳамма ерларида гўза кўчатларининг бир меъра ривожланишига катта эътибор беришмоқда. Об-ҳавонинг нуқулдай келиши ҳисобга олиниб, қатқалоқ жойлар, ўт бошган майдонлар дарҳол аниқланиб, у ерларга кўшимча кучлар ажратилмоқда. Колхозда 100 гектарга яқин майдонда гўза кўчатлари сўст ривожланаётганлиги аниқланган эди. Колхоз парварлинеси ана шу ерларга кўшимча ишчи кучлари ажратди ва гўзани дарҳол икки томонлама култивация қилиб, озиқлантириш шарафларини кўрди. Бу тадбирлар натижасида гўза кўчатларининг аҳволи яхшиланди.

Колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш йилдик планини бажара олмади. Колхозчилар бу йил ўз аҳдларининг устидан чиқиб, давлатга ҳар гектар ердан 24 центнердан пахта топириқ, йиллик планини ошириб бажариш учун зўр гайрат билан меҳнат қилмоқдалар, дала ишларини кундан-кун қизитмоқдалар, гўза кўчатларини тез ривожлантириб, эрта шонага квриш учун ҳамжиҳатлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Н. ЭҒАМНАЗАРОВ, Ўрта Чирчиқ райондаги «Партия XX съезди» колхозчи.

Р. БУРОНОВА.

Оржоникидзе райондаги «Политотдел» колхозининг жўхориқор бригадаси бошлиғи ўртоқ Ли Любовь ўтган йили ҳар гектар ердан 1080 центнердан маккажўхори кўк-пояси етиштирилишини таъминлаган эди. У бу йил камида 1200 центнердан кўкпоя олиш учун курашмоқда. Ли Любовнинг бригадасида бир текис ундириб олинган ўсимлик ҳам узунасига, ҳам кўндалангига парварлиш қилинмоқда. Машхўр бригада бошлиғининг ташаббуси эндида областимизнинг барча жўхориқорларини янги муваффақиятларга чорлавпти. Унинг илдан бораётган жўхориқор бригадаларининг сони кўпаймоқда.

Оржоникидзе райондаги «XXI партсъезд» совхозининг ўртоқ Серикбой Исҳоқов бошлиқ бригадаси ишчилари ҳам Ли Любовь илдан бормоқдалар. Бригадада 81 гектар ерда квадрат-уялаб маккажўхори экилди. Бригадага бирктилган 5 комсомол аъзоси ҳар гектар ердан 1000 центнердан кўкпоя етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

У. ЮСУФАЛИЕВ.

Аҳдимни бажараман

КАЛИНИН. Мен «Коммунизм» колхозида бир неча йилдан буён сўст соғувчи бўлиб илдиёман. Фермаимизнинг илгор сўст соғувчилари Нисо Балонова, Холбоби Расулвалар билан ҳамкорликда ўтган йил сўст соғиб олдида анча юқори кўрсаткичларга эришдик. Лекин булар ҳали чегара эмас. Гагеталардан рязанлик ҳамкасбларимизнинг эришган кўрсаткичлари, тажрибаларини ўқиб бизда ҳали жуда кўп имкониятлардан фойдаланилмаётганлигига қаноат ҳосил қилдик. Мен ана шу рязанлик соғувчи сўст соғувчиларнинг илдан бормоқ, бу йил ҳар бир соғин снридан 5000 килограмдан сўст соғиб олишга аҳд қилдик. Шу мақсадда колхозимизнинг илгор сўст соғувчиси Зикир Файзиевни мусобақага қақираман.

Р. БУРОНОВА.

Б. ЭРКОВОВ, Оржоникидзе райсини.



Оржоникидзе райондаги Ленин номи колхозда парник ва теплица хўжалиги йил сайин ривожланимоқда. Суратда: (чанлан) ёш сабзавотчи ўртоқ Муҳаррам Дадабоева помидор термоқ да, (унгда) Камолдидин ака Ойхўжаев ўз шогирдлари билан бирга теплица комбинатиди. Автор фотоси.

ПАРТИЯМИЗ МЕҲРИБОН, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН

Оила бюджетига уч минг сўм қўшилади

Буюк қудратли, бепоён мамлакатимизнинг ҳар куни, ҳар соати янгиликлар билан тўла. Лекин ақиндагина ўз ишнини тамомлаган СССР Олий Совети бешинчи сессиясида ҳукуматимиз бошқари томонидан эълон қилинган аниқлик — ишчи, хизматчилар маошидан олинмаган солиқни бекор қилиш ва шу йил охиригача ҳамма жойда етти соатлик иш кунига ўтишни тугаллаш ҳамма аниқликлардан ҳам янглир.

Катта гамхўранк ҳар бир совет оиласига бир дунё қувонч келтирди, уларнинг қалай ўз социалистик маилатлари учун чексиз фахрланиш ҳисси билан тўлаб-тошди. Мана, Фрунзе районидан — 3-Чарқамор маҳалласида яшовчи оддий ишчилар хонадони Махмуд ота Тоқиев оиласини олайлик. Отанинг ўзи 40 йилга ҳалққа, партиёга хизмат қилган, 1927 йилдан бери КПСС аъзоси. Ҳозир у 66 ёшга кирган, 500 ҳади бўлган, давлатдан ҳар ой 300 сўм пенсия олиб туради.

Махмуд отанинг катта ўғли Эткир Ташкентдаги 3-сон заводда, ўртача чини Эркин вино заводда, кенза-тоби Ашар шаҳар «Сантехмонтаж» бекорчиликда қўшилади. Уччасини ҳам меҳнатсевар, гайратли. Биринчиси, иккинчиси дурадгор, учин-

чиси эса тўртинчи разрядли слесарь. Уларнинг ҳар бири ой сари 600 билан 900 сўм ўртасида маош олинади. Уччала азаматнинг ҳалоо меҳнатидан топгани, отанинг давлатдан олинган пенсияси етти жонли бу оила аҳлиёқларига бемалол етарди.

— Ҳукуматимизнинг янги тадбири, партиямизнинг гамхўранги туйғайиб оиламиз даромади яна ошадиган бўлди, — дейди отанинг катта ўғли Эткир ака. — Сессия материалларини газетда ўқитиб, биз оиламиз бюджетини ҳисоблаб кўрдик. Маошлардан олинмаган солиқлар бекор қилинган, оиламиз бюджетига ҳар йили яна уч минг сўм қўшилар экан.

— Уч минг сўм оғина пул эмас, унга анча орау-ҳавас қилса бўлади, — дейди Махмуд ота хурсанд бўлиб. — Ўғлим ҳалоо меҳнат қилиб роҳат-фароғатда ўқитиб, эмом бўлаётди. Кунига етти соат ишлашни айтмайменми, бу ҳафта икки марта дам олиш кунига эга бўлиш деган сўз.

Махмуд ота оиласидаги каби мамнулик ва қувончни ҳар бир совет хонадонига учратиб мумкин. Ахир, солиқлар бекор қилиниши туйғайиб қўшимча маблағга, қисқартирилган иш кунига ўтиб, кўпроқ бўш вақтга эга бўлиш кимни қувонтирмайди дейсан.

Т. НАЖМИДИНОВ.

Билим ҳам бойийди, ҳордиқ ҳам чиқади

Мунавварнинг назарида бугунги смена жуذا эрта тамом бўлганга ўхшайди. «Хордиқимиз тунини онқадан қангитган эдик-ку, Дарров смена ҳам ташуком бўлибди. Наҳотки вақт шу қадар тез ўтса? Мунаввар ўзини ишонмай, смена топиришига ҳоҳирлик кўраётган Мала Ефтевалдан соат қанча бўлганлигини сўради. Мана Мунавварнинг мақсадига тушунди шекалли.

— Иш кунини тамом бўлди. Тезроқ бўл, бирга бетамиз, — деди. Кейин ўсмоқчилик қилди қиёфада сўради:

— Бугунги ишдан қўнғилни тўлмайди шенгли, кетгинг ҳам қаймай турбиди.

— План-у 130 та етди-а, — деди Мунаввар дугонасининг ҳазилга жавобан. — Лекин, негандир...

— Хабарим бор, айтмасанг ҳам биламан, — деди у кўлиб. — Саъий савт ишлашга ўрганиб қолганимиз деб айтмоқчисида. Ҳақиқатан менга ҳам сеюлашти. Мунаввар, ўзинг ўйлаб кўра, бир соат ичнда наича-қанча иш қилиб юборса бўлади. Ҳа, бир соатда!

Бондан бери дугоналарнинг гапини эшитиб турган эдик таёрлаш дехининг бошлиғи



Тошкентдаги карборунд заводда қисқартирилган иш кунига ўтилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш камаймади, балки аксинча янада кўпайди.

Тошкентдаги карборунд заводда қисқартирилган иш кунига ўтилгандан сўнг маҳсулот ишлаб чиқариш камаймади, балки аксинча янада кўпайди. Чунки ҳар бир ишчи, инженер-техник ҳодим партия ва ҳукуматимизнинг оддий меҳнатқиларига жавобан бир гайратта ўн гайрат қўшиб ишламоқда. Суратда: (чапда) шу корхонанинг илгор ишчиларидан Сайби Жаъфарова, Сарвар Амрибеков, Татьяна Сахарчук ва смена мастерлари Екуб Исломов ҳамда Юсуф Юсуфов ўрқоқлар бу кунги ишонинг натижаларини ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

роса 80 кун бўлди, — деди завод директори М. Юсуфов. — Иш ҳам арвалгидек яхши борапти. Ишчилар и м и з и н г кўни ёшлар. Улар ишдан сўнг завод кўлибда қўлиб ҳордиқ чинаришади. Мана ҳозир уларнинг кўни завод кўлибда.

Кўнуба йердик Бу ерда иккинчи дехини клейдовчиси, Мунаввар Раҳимова, коммунистик меҳнат сарборди Мала Ефтеваллар ҳам бор эди. Мунаввар ҳозир педагогика билим юртининг сиртиги бўлимоқда. Мая эса уста машинистка бўлиб чиқади. Клубдаги ёшларнинг қувончи чексиз эди. Улар СССР Олий Совети сессияси қарорларга қувонимизга куч, гайратимизга гайрат қўшмоқда дейишмоқда.

А. АЛИЕВ.

Факт ва рақамлар

СССР Олий Советининг Қонунга мувофиқ шу йилдан бошлаб 1965 йилгача ишчи ва хизматчилардан олинмаган даромад солиғи бекор қилинади. Бунинг натижасида 38,4 миллион кишининг кўнига тегадиган иш ҳақи солиқларсиз, яъни бўлиб қолади.

Солиқлар бутунлай бекор қилинган, ишчи ва хизматчиларнинг даромади 1965 йилга бориб йилга тахминан 74 миллиард рубль сўм қўлади, дегам совет оиласининг ҳозир олаётган иш ҳақларига яна 74 миллиард сўм қўшилади.

Колхозчилардан олинмаган қишлоқ хўжалик солиғи 1963 йилда 2,5 баравар камайтирилди. Шундан кейинги йилларда солиқ солимайдиган минимуми ошириш да солиқ ставкаларини камайтириш йўлида солиқ тўловчилар янада камайди. Меҳнатқиларнинг анча қисми бўйдоқлик, бағзлик ва кам болалик солиқлардан ба ташуком озод қилинди.

Солиқларнинг бекор қилиниши натижасида республикамиз меҳнатқиларнинг даромади 1966 йилга бориб йилга тахминан 1 миллиард сўмдан ошиб кетади.

Етти ва олти соатлик иш кунига ўтилган, меҳнатга янги ҳақ тўлаш жорий қилингандан кейин 1959 йилда 1966 йилдаги нисбатан ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари кўпроқ санаётда 26 процент, қора металлургияда 14 процент, рангли металлургияда 21 процент, кимё санаётда 13 процент қўпайди.

Совет кишилари 1964 йилдан бошлаб 6-5 соатлик иш кунини ёки 30-35 соатлик иш ҳафтасига ўтдилар.

СССРда энг қисқа иш кунини бўлади

СССР Олий Советининг ақинда бўлиб ўтган V сессияси ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинмаган солиқларни бекор қилиш ҳамда ҳамма ишчи ва хизматчиларнинг етти ва олти соатлик иш кунига кўчиришини 1960 йилда тугаллаш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу Қонун барча совет кишилариникига эмас, шу билан бирга дунёдаги бизга дўст ва хайрихоҳ бўлган ҳамма меҳнатқилариникига чексиз қувонтирди.

Солиқларни бекор қилиш ва иш соатини камайтириш учун меҳнатқилар, айниқса ишчилар синфи жуذا кўндан бери кураш олиб борган эди. Социалистик тузум ўрнатилганича Россия ишчилар синфи ҳам шу интида кўн қон тўқди. 1866 йилда Америкада Ишчилар конгресси ва Биринчи Интернационалнинг конгресси саккиз соатлик иш кунини жорий этишни талаб қилишни эълон қилди. Бу талаб Россия социал демократик ишчилар партияси (РСДРП) программасида ҳам акс эттирилган эди. Биринчи жаҳон урушини арафасида кўнгина тараққий этган капиталистик мамлакатларда, шу жумладан Россияда асосан 10 соатлик иш кунини ҳисоб сўради.

Фақат Октябрь социалистик революциясида ишчиларнинг қонуний талабини амалга оширди. Совет ҳокимияти ўрнатилгани биланқол барча ишчи ва хизматчилар учун 8 соатлик иш кунини жорий этилди. Шундан ишчилар ҳақиқатан ҳам капитал ҳуқуқдорлигини даринда иш соатини нормалаштиришга эришиб бўлмастлиги, социализм эса меҳнатқилар меҳнатидан фўга нрасани қўламастлигига амалда ишонч ҳосил қилинди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ 2-БЕТ 25 МАЙ, 1960 ЙИЛ.

КАТТА ИШНИНГ ТАРАДДУДИ

Крансоалар қисқартирилган иш кунига ўтиш тараддудида. Корхона директори Иброҳим Эргашевнинг кўнги катта бўлмаган камхашам кабинети ўз умрини ана шу завод даргоҳида ўтказиб келаётган, оддий ишчилар ишлаб чиқариш командалари даражасига кўтаришган кишилар билан гавжум. Эргашев корхона етти соатлик иш кунига ўтишга таяёрми, агар таяёр бўлмаса яна қандай тадбирларни амалга ошириш кераклигини ҳақида бирин-кетин фикр билдираётганларнинг сўзини диққат билан эшитиб ўтирибди.

Маълумки, СССР Олий Советининг V сессияси ҳамма ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига кўчиришни 1960 йилда тугаллаш ҳақида Қонун қабул қилди. Ишчилар партия ва ҳукуматимизнинг халқ манфаатларини кўзлаб амалга ошираётган тадбирларига жавобан қисқартирилган иш кунига ўтгандан кейин қандай қилиб таёрланаётган кранлар сонини ҳозиргидан ҳам кўпайтиришга эришиш мумкинлиги тўғрисида конкрет фикрлар айтмоқдалар.

Завод бош инженери ўрқоқ Черепановнинг айтишича, қисқартирилган иш кунига ўтишининг асосий омиди — амалда қўлланиб келинаётган нормаларни қайта кўриб чиқишдан иборат. Хўш, янги иш нормалари жорий қилиш учун шарт-шароит мавжудми? Албатта. 3 минг 320 хилдан ортқоқ деталь ишлаб чиқариш арабистининг тақомиллаштирилганлиги, 80 та ташкилий-техникавий тадбирнинг амалга оширилганлиги нечун янги иш нормасига кўчиш имконини бермасми?

Биз корхона директоридан янги нормалар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик. — Янги иш нормасини белгилашда, — дейди ўрқоқ Эргашев, —

биз аввало меҳнат унумдорлигининг ортинини ҳисобга олдик. Чунки солиқлар бекор қилинаётган, қисқартирилган иш кунига ўтилаётган бир пайтда меҳнат унумдорлигини ошириш социалистик жамағатларимизни кўпайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда корхонамизда меҳнат унумдорлигини ошириш йўлида анча иш қилдик. Лекин ҳали бу соҳалдаги резервларимиз битмас-туганмас. Ҳамма гап ана шу имкониятларни қидириб топиш ва ишга солишда. Иккинчи дехинида анча мураккаб «03-11» ва «03-13» деталлари тайёрланади. Бу дехинда илгор тоқарь, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Валиев смена давомида 100 та ана шундай деталь тайёрлади. Энди у 8 эмас, 7 соат ишлайди. Ишлаб чиқариш манфаатлари тоқардан 420 минутта ҳам ана шунга, балки ундан ҳам кўпроқ маҳсулот тайёрлашни талаб қилади.

Қўнган кўн қочиб қутилмас, деганлари ҳақ гап экан. Илгор Валиев ва унинг касбдошлари ишлов бериладиган деталларни ўзлари ташиб келардилар. Энди бутунлай бошқа манзарага дуч келасиз. Тоқарь кинокабинет босими, махсус аравача ҳаракатга келиб қирагича детални келтириб берилади, тайёрларнинг олиб кетади. Қандай ахши-а! Жон ҳам қоймайди, иш вақти ҳам бекор кетмайди. Бу, амалга оширилган тадбирларнинг бир шингли.

Катта ишга тайёрларни кўраётган корхона коллективи ўз кучи билан эскириб қолган асбоб-ускуналарни модернизация қилишга бел боғлашибди. Барча корхоналардаги каби бу ерда ҳам ана шу ажойиб ишнинг байроқдорлари рационализатор ва ихтирочилардир. Ўтган уч ойда 60 тақлиф билан чиқиб ҳазил гап эмас.

Бу завод оладиган йиллик фойда яқин 200 минг сўмга қўпайди, дегамдир.

Коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи дондор рационализатор Николай Горбунов станогига қўнмишча резец ўрнатди. Балки бу тақлиф биргина станокда қўлланилганда мақтудек натижа бермаслиги мумкин. Лекин бригада аъзоларининг ҳаммаси бошқилардан ўрқоқ олиб, янгилисига ишлаб бошладилар. Натижада деталь тайёрлашга сарфланаётган меҳнат 1100 порасоат қисқартирилди.

5 ва 10 тонналик кўтарма ҳамда кўприк кранларни ана шу азаматлар тайёрлаб бераётдилар. Сифатли маҳсулот билан мамлакатимиздаги на эмас, балки унинг чегаралардан ташқарида ҳам шухрат қозонаётган «Польёмник» заводи Иттифодимизда ягона корхоналардан бири ҳисобланади. Буни крансоалар ҳам тўла ҳис қилишади. Корхонада смена топиригини бажармайдиган бирон киши йўқ. Пешқадим ишчилардан Мақсудов, Сураев, Валиев, Статкович, Икконаров ва бошқалар иммааларига юклатилган вазифини 3-4 баравар ошириб адо этмоқдалар.

Ўз сафида ана шундай илгор ишчилар, моҳир рационализатор ва ихтирочилар, етуқ билим ва тажрибага эга бўлган инженер-техник ҳодимлари бираштириб турган коллектив секин-қувонч билан «Биз етти соатлик иш кунига ўтишга тайёрми?» Қисқартирилган иш кунига ўтгандан сўнг ҳозиргидан ҳам кўпроқ маҳсулот тайёрлаб берамиз», демоқдалар.

СССР Олий Совети сессияси қарорларидан руҳланган крансоалар эришилган ютуқларини мустаҳкамлаш мақсадида зўр гайрат ва шижоат билан ишламоқдалар.

А. ЛУТФУЛЛАЕВ.



СССР Олий Совети V сессиясининг қарорлари меҳнатқиларнинг турмуш фаровонлигини янада оширишининг ёркин йўлларини белгилаб берди. Совет кишининг улғу мақсад йўлида — коммунистик жамаит қурилиш йўлида унумли меҳнат қилиш ва яхши дам олиш учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати тузиш санаторий-профилакторий тўқимачиларнинг ишдан сўнг маданий ҳордиқ чинаришлари учун намунали хизмат қилмоқда. Суратда: комбинатнинг дам олаётган ишчилардан бир гуруҳис (чапдан) электромонтер В. Тиллаев, чинта гул босиш фабрикасининг ичиси Г. Кабанов, тўқувчилардан Т. Курганина ва М. Шикалина ўрқоқлар.

М. Нуриддинов фотоси.

да амалга оширилаётган бўлса, капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи асрлардан бери иш соатини камайтириш учун курашиб келмоқдалар, лекин ҳали жиддий муваффақиятга эришганлари йўқ. Аксарият капиталистик мамлакатларда иш кунини қонун йўли билан чеклаб қўйилган эмас. Иш кунини қонун йўли билан чеклаб қўйилган капиталистик мамлакатларда эса кўнгина бу қонунга амал қилинмайди. Шундан ҳам бу қонундан ҳамма категориядаги ишчилар фойдалана олмайдилар.


Америка статистикаси маълумотларига кўра сўнги йиллар мобайлида АҚШнинг 20 процентига яқин ишчи ва хизматчилари ҳафтасига 48 ва ундан ҳам кўп соат ишлаганлар. Айни вақтда ишчи ва хизматчиларнинг 20 процентдан кўпи ҳафтада тўла ишлаган эмас ва шунинг учун кам иш ҳақи олган. АҚШ меҳнат министрининг расмий маълумотига кўра Америкада 1959 йил августда 3 миллион 426 минг бутунлай ишсиз, 6 миллион 811 минг «ишда ҳисобланадиган, лекин ишламаётган» ишчи бор эди. Бундан ташқари ҳафтасига бир соатдан 14 соатгача ишлайдиганлар, яъни амалда ишсизлар сони 2 миллион 796 минг ва ҳафтасига 15 соатдан 34 соатгача ишлайдиганлар сони 7 миллион 296 минг киши бўлган. Америка буржуа иқтисодчиларининг тасдиқлашча ҳафтасига 90 доллар иш ҳақи олаётган ишчи тўғр «тўла таъминланган ҳолда ҳаёт келтириши» гарантланган эмас. Тўғри, бошқа капиталистик мамлакатлардаги ишчилар олаётганига қараганда ҳафта-

сига 90 доллар иш ҳақи олмиш анча яхши. Лекин мана шу 90 долларни олган ишчи бу пулни ишчиларга қўпайди бормоқда. АҚШда ишчилар иш ташламаган кўн дегарик бўлмайди. Агар 1958 йил I кварталда ҳар бир ишталошчи ўрта ҳисобда 9 кун иш ташлаган бўлса, 1959 йил I кварталда 14 кун иш ташлади. 1959 йилнинг 9 ойида АҚШ да 3 минг 225 марта иш ташлавиб, бунда жами 1 миллион 770 минг киши қатнашди. Бу рақамлар Америка ишчилар синфининг активлашиб бораётганлигини, уларнинг ушшоққили ошаётганлигини кўрсатади.

СССР да ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан солиқлар олиниши бекор қилиниши, барча ишчи ва хизматчиларнинг етти ва олти соатлик иш кунига кўчирилиши Америка ишчилар синфида, умуман капиталистик дунёдаги барча ишчиларга таъсир этмай қолмайди.

Шу билан бирга бизнинг мамлакатимизда қисқартирилган иш кунини ва иш ҳафтасига ўтиш қардор социалистик мамлакатлар учун ҳам мактаб, ибратли сабоқ бўлади. Икконият вужудга келган пайтда улар ҳам бизнинг тажрибамиздан фойдаланадилар. Шундан мана шунинг учун ҳам совет кишилари қисқартирилган иш кунига ўтиш ва иш ҳақининг оширилиши ҳақидаги тадбирларини роат мамуният билан табриқламоқдалар. Улар бундай иккониятларини яратиб берган партия ва ҳукуматга чексиз миннатдорчилик билдиримоқдалар.

А. МАМЕДОВ, ИҚТИСОД ФАҲЛРИ КАДИДАТИ.



Республикамиз ўзининг ажойиб архитектура ёдгорликлари билан шуҳрат қозонган. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Хива, Бухоро ва бошқа шаҳарларида неча юз йилларнинг гувоҳи бўлиб турган минора ва ҳар хил қалъалар юксак дид ва моҳирона санъат билан ишланганлиги сабабли ҳали-ҳануз ўзбек халқининг қадимий илгор маданиятидан далолат бериб келмоқда. Хива шаҳрида бундай архитектура ёдгорликлари жуда кўп. Бу ерда 60 дан ортқ қадимги минора ва мадраса бор. Суратда: Хива не давоғика билим юртининг студентлари шаҳардаги тарихий ёдгорликларни кўздан кечиришда лар.

Л. Елагин фотоси. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

Чень Элларда

Шанхайда оммавий митинг

ШАНХАЙ, 23 май. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашини барбод қилган Америка империалистларини қоралаш белгиси ҳамда Совет ҳукуматининг адолатли позициясини қўллаб-қувватлаш белгиси яқинда кеча шанхайликлардан уч миллиондан кўпроқ киши ўз миқёси жиҳатидан насли кўрилмаган намоёниш ва митинглар ўтказдилар. Митинг ва намоёнларнинг қатнашчилари Япония милитаризмининг тиклаётганлиги учун ҳам Америка империализмининг қоралдилар.

Тўрт пайтида ишчи ва хизматчилар, халқ лашкарлари қўларига плакатлар ва карикатуралар кўтариб, шаҳар кўчаларига чиқдилар. Улар: «Америка империализмининг

Совет Иттифоқига нисбатан қилаётган агрессияси ва иттифоқарлиги йўқ бўлиши!», «Америка империалистларининг тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашини барбод қилганликларига қарши норозилик билдиришимиз!», «Қўшма Штатларнинг Гайрой Германия ва Япония милитаризмининг тиклаётганликларига ва урушга тайёргарлик кўраётганликларига қарши норозилик билдиришимиз!» деган шорларни айтдилар. Халқ майдонида марказий митинг бўлди. Бу ердаги байроқлар ва плакатларнинг сон-саногии йўқ эди.

Митингда Хитой Коммунистик партияси Шанхай шаҳар комитети секретариатининг аъзоси Чень Писань нутқ сўзлади. У Совет Иттифоқига қарши иттифоқарлик қилганликлари учун, юксак даражада ўткази-

ладиган кенгаши атайлаб барбод қилганликлари учун ва халқаро кескинлигини кучайтирганликлари учун Америка империалистларининг қатъий қоралди.

Чень Писань Япония билан Америка ўртасида тузилган ҳарбий иттифоқ тўғрисидаги шартномани Япония парламенти қуйи палатаси томонидан мажбуран ва гайриқонуний равишда тасдиқлашга Кисе тўдасини кўндирган Америка империалистларининг разилона ҳаракатларини кескин суратда қоралаб чиқди.

Чень Писаньнинг нутқи кўп марта гулдурас қарсақлар билан бўлиниб турди. Бу ерда тўланган юз минглаб киши: «Жаҳон халқлари, жипслашмиш!» «Америка империализми йўқоли!» «Яшасин Хитой ва Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги ва жипслиги» деб хитоб қилдилар.

Митингда Совет Иттифоқининг Шанхайдаги бosh консули А. И. Едзаветин, демократик партиялар, халқ ташкилотлари, ишчи ва хизматчиларнинг намоёндалари ҳам нутқ сўзладилар.

Митингдан кейин жуда катта намоёниш бўлди.

Марказий митинг билан бир вақтда шаҳарнинг бошқа районларидаги сановат корхоналарида, муассасаларда, ўқув юрталарида, ҳарбий қисмларда ҳам митинглар бўлиб ўтди. Митингларнинг қатнашчилари Совет Иттифоқининг адолатли позициясини қатъий суратда қўллаб-қувватлаганликларини наҳор қилиб, Совет Иттифоқига қарши иттифоқарлик қилганлиги учун ҳамда юксак даражада қаҳриладиган кенгашини барбод қилганликлари учун Америка империалистларини кескин суратда қоралдилар.

ЭЙЗЕНХАУЭРНИНГ ЯПОНИЯГА КЕЛИШИГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИКЛАР

ТОКИО, 23 май. (ТАСС). Бугун Америка элчихонаси биносининг олдида Токио меҳнаткашлари ва мамлакатдаги бошқа шаҳарлар вакилларининг митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари президент Эйзенхауэрнинг Японияга келишига қарши ва Япония территориясидаги Америка базаларидан Япония билан қўшни мамлакатлар территориясига жосуслик самолётлари юбориш учун фойдаланилишига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Митинг қатнашчилари ўз талабларини Қўшма Штатларнинг элчисига топширмоқчи эдилар, лекин элчихона делегацияни қабул қилмади.

Япония-Америка «Хавфсизлик шартномаси»га қарши кураш миллий кенгаши ҳам бугун Америка президентининг Японияга келишига рухсат бермаслигини Япония ҳукуматидан талаб қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу кенгаш ўз сафларида бир неча миллион кишини бириштирди.

НОРВЕГИЯ ИШЧИЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ОСЛО, 23 май. (ТАСС). Америка жосуслик самолётлари қўниши керак бўлган Буда шаҳридаги ҳамма қўшни Будин коммунасидаги норвеж ишчи партиясининг ташкилотлари умумий мажлисида Будадаги аэродромдан чет эл разведкасининг фойдаланилишига қарши норозилик резолюциясини қабул қилдилар. Янгилик қатнашчилари Норвегия ҳукуматига юборилган резолюцияда Будадаги аэродромдан жосуслик мақсадларида фойдаланишни мутлақо тақиқлашни талаб қилдилар.

Редактор: З. ЕСЕНБОВ.

БУГУН УКРАИНАДА ЎЗБЕК АДАБИЙТИ ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Дўстлик РАМЗИ

Ўтган йили Ўзбекистонда ўтказилган украин адабиёти ҳафталиги ўзбек ва украин ёзувчилари ўртасидаги иккунчи ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намоёниши бўлди. Маъна бутун эса украин қардошларимиз ҳузурда ўзбек адабиёти ҳафталиги бошланди. Кеча Ўзбекистон ёзувчиларидан бир гуруҳи Киевга учиб кетди.

Украинада ўтказилган ўзбек адабиёти ҳафталиги деда,— ўзбек ёзувчилари делегацияси раҳбари Иброҳим Раҳим,— биз ёзувчилар учун катта иккунчи синов бўлди. Ҳафталик кунларида ёзувчиларимиздан Уйғун, Рама Бобоқон,

Тинч океан қаҳрамонлари ўз қисмларига жўнаб кетдилар

ГҲРЗФ. (Крим области), 23 май. (ТАСС). Океани бўйсуйдирган тўрт доврак — А. Зиганшин, А. Крючковский, Ф. Поплавский ва И. Федотов Мулдофаа министрлигининг санаторийсида бир ой дам олиб, даволанганларидан кейин ўзларининг ҳарбий хизматларини яна давом эттириш учун бугун ўз қисмларига жўнаб кетдилар.

Жўнашдан бир кун олдин жангчилар Қора денгиз флотининг денгизчилари, Ялта, Севастополь ва Симферополь меҳнаткашлари билан учрашдилар.

Тошкентнинг янгиликлари



Кичик габаритли мебеллар

Мебеллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Янги маҳсулотни ўзлаштиришда еш мастерлардан М. Ғоноев, А. Курашнин, Б. Соқиев, бригада мастери Х. Суатонхўжаев ва Х. Васильев ўртоқларининг хизматлари катта бўлди. Улар бу маҳсулотларни ўзлаштиришни ўз касбдошларига ҳам ўргатдилар.

Мебелларнинг мустаҳкам бўлишида елим катта роль ўйнайди. Илгари бу иш учун кўп вақт сарф бўлар эди. Ҳозирда эса елим турли чинчилардан кимёвий усулда тайёрланаётди. Бу эса ҳам маҳкам уюмдорлигини оширди, ҳам маҳсулот таннархини камайтириш имконини берди.

Ҳозир бу цехда 25 хилдан иборат бўлган кичик габаритли комплект мебеллар ишлаб чиқарилаётди. Булар буфет, китоб йопон, юмшоқ кресло ва диван, ёгон кроват, тумбочка, кўзгу ойнаси, оякчаларини ва ёзув столлари ва бошқалардан иборат. Бу мебеллар ўзининг кичик ва ихчамлиги, ийрбиллиги билан уйнинг ҳуснига хуси қўшади.

Фабрика коллективи меҳнаткашларининг мебелга бўлган эҳтижларини қондириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда.

Студентлар конструкторлик бюроси

Урта Осие Политехника институти механика факультетида студентлар конструкторлик бюроси ташкил этилди. Унинг ишларида 20 дан ортқ студент қатнашмоқда. Бюро «Ташсельмаш» заводи билан ҳамкорликда ишламоқда.

Бюро аъзолари заводдан бирор технология процессини таъминлаштириш ҳақида заказ оладилар. Уларнинг ишлаган ишлари учун завод белгиланган тартибга мувофиқ ҳақ тўлайди. Ҳозир студентлар конструкторлик бюроси махсус уй ва чизманашли тахталари амратилган мўйда мунтазам иш олиб бормоқдалар.

Н. АБДУХОЛИҚОВ.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: фабрика техника контроли бўлими ходими М. Сафоев (ўнгда) ва мастер Б. Соқиев ўртоқлар маҳсулот сифатини текшириб кўрмоқдалар.

М. Нуридинов фотоси.

Япония меҳнаткашлари АҚШ билан тузилган ҳарбий шартномани бекор қилишни талаб этмоқдалар

ТОКИО, 23 май. (ТАСС). Кисе ҳукумати ва ҳумрон партия томонидан парламентнинг қуйи палатасида эълон қилган Япония ва Америка ўртасидаги ҳарбий шартноманинг ратификация қилиниши япон халқининг давом этиб турган норозилик митинг ва намоёнларининг янада кўпайтирди. Бугун иш кунини бўлишига қарамай, Япония пойтахти меҳнаткашларининг катта колоннаси Токио кўчаларидан юриб, шаҳар марказига борди. Намойишчиларнинг қўларига кўйилган шорлар ёзилган транспарантлар бор эди: «Йўқолисин Кисе ҳукумати!», «Йўқолисин қора шартнома!», «Парламент дарҳол тарқатиб юборилсин!». Шаҳар марказига пойтахтдаги университетларнинг неча юзлаб студентлари ҳам келди.

Ишонийчилар бosh министрнинг расмий резиденциясига яқинлашган, ўз талабларини Кисега топшириш учун делегатлар сайладилар. Лекин улар биного кира олмадилар. Резиденция ҳамма томондан кучайтирилган полиция отрядлари билан қўраб олинган экан, қалин ёишт девор орқасидан оғир бронетаномобилларнинг башиларга кўриниб турар эди. Бинонинг олдида эса сич тўсиқлар қўрилган эди.

Намоийшчилар бosh министр билан учрашини талаб қилдилар. Бироқ, Кисе япон халқни вакиллари билан учрашдан шуб кунларда бир неча марта бosh тортанидек бўгад ҳам бosh тортди. Студентлар ре-

зиденцияга эўрак билан ўтиб олинган уриндилар. Полиция билан студентлар ўртасидаги тўқнашув натижасида бир неча киши ярадор бўлди, ўн киши қамоққа олинди.

Шу кунларда пойтахт, айниқса унинг марказий қисми ҳарбий ҳолат жорий қилинган шаҳарни эъланди. Парламент районида уруш формасидаги қуролли полициянинг катта кучлари тўпланган. Кисе резиденциясини сақлаш учун махсус полиция штаби ташкил этилган. Бир неча минг полициячи жанговар тайёр ҳолда турибди.

Япониядаги сиёсий вазият кескинлашган қолмоқда. Парламент заллари уч кундан берди бўшаб қолди. Бу муассаса ишида иштирок этишдан социалистлар, коммунистлар ва демократик социализм партиясининг аъзоларига эмас, балки барча мустақил депутатлар ҳам бosh тортдилар. Кисе ва унинг яқин кишилари кенг халқ оmmasининг қаршилигига дуч келгач, вужудга келган аҳволдан чиқиш ва шартнома ратификациясини мустаҳкамлаш учун найрағ ишлаштига уринмоқдалар. Бунга жавобан Япония жамоатчилиги айтмоқдаки, Япония халқни АҚШ билан тузилган янги ҳарбий шартномани ҳеч қачон тин олмайд. Жамоатчилик Кисе ҳукуматининг дарҳол истетфо беришини, парламентнинг тарқатиб юборилишини, «Хавфсизлик шартномаси»нинг бекор қилинишини қатъий талаб қилмоқда.



Телевизор экранида

25 майда

19.30. Ешлар учун рус тилида «Рассом суҳбати» деган эшиттириш.

19.50. Киноочерк — «Унутилмас хужжатлар» (ўзбек тилида).

20.10. Сўнги ахборот.

20.30. «Севимли кино артистлари» циклидан рус тилида «Жерар Филип ижодига бағишланган эшиттириш.

21.30. Кишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш.

21.45. Бадий фильм — «Ягона сафда».

26 майда

19.30. «Истикбол эгалари» телевизион журнали.

20.10. Сўнги ахборот.

20.30. «Дўстлар мусобақаси». Ўзбек тилида сановат ходимлари учун эшиттириш.

20.45. Хужжатли фильм — «Вулқонлар ўлкасида» (ўзбек тилида).

21.05. Музикали календарь (рус тилида).

21.25. Бадий фильм — «Евгения Гранде».